**““SQB Insurance” суғурта компанияси” АЖ фаолияти учун зарур бўлган асосий воситалар, материаллар ва бошқа товарлар (хизматларни) сотиб олиш юзасидан**

**Харид комиссиясининг**
**11- сонли МАЖЛИС БАЁННОМАСИ**

**«25» январ 2022 йил** **Тошкент ш.**

Харид комиссияси раиси: А.А.Халилов

Харид комиссияси раиси ўринбосари Ш.Т.Бобомуродов

Мажлис котиби: М.Игамбердиев
С.Бегматов
К.Есенкулова
Ш.Қушаков
Ж.Жамолов

**КУН ТАРТИБИ:**

““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамияти эхтиёжлари учун товар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш хақида.

Кун тартибидаги масала юзасидан ““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамияти тизимида давлат харидлари тартиб – таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш учун жавобгар шахс – М.Игамбердиев сўзга чиқиб, Суғурталаш ва қайта суғурталаш хизматларини риводлантириш Департаменти директори С.Бегматовнинг 2022 йил 24 январ куни тақдим этган билдиришномасида 2021 йил 23 ноябрдаги 730-сонли “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижросини таъминлаш мақсадида, 2022 йил 19 январда “PSB Insurance” МЧЖ СК ўз ҳуқуқий шакли ва номини ““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамиятига ўзгартирганлиги тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали эълон берилиши лозимлиги тўғрисида кўрсатиб ўтилганлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонунни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ЎзР Президентининг 27.09.2018 йил ПҚ 3953-сонли Қарори билан тасдиқланган “Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) Рўйхати” нинг 12-бандида “Оммавий ахборот воситаларида матбуот анжумани, брифинг, мавзули телекўрсатув ва бошқа тадбирларни ўтказиш, реклама жойлаштириш, мақола чоп этиш” тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга ошириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Харид комиссияси кун тартибидаги масалани кўриб чиқиб,

**ҚАРОР ҚИЛДИ:**

1. ““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамиятининг Суғурталаш ва қайта суғурталаш хизматларини ривожлантириш Департаменти директори С.Бегматовнинг 2022 йил 24 январ куни тақдим этган билдиришномаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Компаниянинг эхтиёжи учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.09.2018 йилдаги ПҚ 3953-сонли Қарори билан тасдиқланган

“Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) Рўйхати”нинг 12-банди “Оммавий ахборот воситаларида матбуот анжумани, брифинг, мавзули телекўрсатув ва бошқа тадбирларни ўтказиш, реклама жойлаштириш, мақола чоп этиш” га асосан тўғридан-тўғри шартномалар асосида харид қилиш мумкинлигига асосланиб, 2022 йил 19 январда “PSB Insurance” МЧЖ СК ўз ҳуқуқий шакли ва номини ““SQB Insurance” суғурта компанияси” акциядорлик жамиятига ўзгартирганлиги тўғрисидаги маълумотларни газета орқали эълон бериш мақсадида "Бизнес-Daily Медиа" НУ МЧЖ ва “MOLIYA YANGILIKLARI AGENTLIGI” МЧЖ билан тўғридан-тўғри шартнома тузилсин.

3. “PSB Insurance” МЧЖ СК ва "Biznes-Daily Media" НУ МЧЖ, “MOLIYA YANGILIKLARI AGENTLIGI” МЧЖ ўртасида тузилаётган шартномалар амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқ тузилиши Суғурта ва ҳуқуқий даъволар билан ишлаш департаменти директори Ж.Жамолов томонидан таъминлансин.

4. Ушбу Баённома қарор қисмини бажарилишининг назорати М.И.Игамбердиев зиммасига юклатилсин.

**ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИ**

| | |
|---|---|
| Харид комиссияси раиси: | А.А.Халилов |
| Харид комиссияси раиси ўринбосари | Ш.Т. Бобомуродов |
| Мажлис котиби: | М.Игамбердиев |
| Харид комиссияси аъзоси | С.Бегматов |
| Харид комиссияси аъзоси | К.Есенкулова |
| Харид комиссияси аъзоси | Ш.Қушаков |
| Харид комиссияси аъзоси | Ж.Жамолов |